



Маҳалла

ШАНБА

2014 йил 6 декабрь,
№101 (1068)

www.mahallagzt.uz info@mahallagzt.uz

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

Қадри дўстлар!
Муҳтарам юрдошлар!
Шу кунларда Ватанимиз учун мустақил, эркин ҳаёт кечириш, уни тараққий топган демократик давлатлар қаторига кўтариш йўлининг асосий принциплари ва қоидаларини муҳраб берган Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилганимизнинг 22 йиллигини байрамона нишонламоқдамиз.

Тарихимизда чуқур из қолдирган ана шу буюк сана билан сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни чин қалбимдан самимий табриклаш, барча-барчангизга чуқур ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этиш мен учун катта бахтдир.

Конституциямизда белгилаб берилган асосий мақсадларимиз барчамизга яхши маълум. Яъни, Бош қомусимиз бозор иқтисодиётига асосланган мустақил демократик давлат қуриш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни, қонун устуворлиги ва мамлакатимиз барча фуқаролари учун қонун олдида тенглик тамойили таъминланадиган фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам пойдевори яратиб бери.

Собиқ Иттифок, СССР деган

империя пароканда бўлиб, тарқалиб кетганидан сўнг, ўта таҳликали бир замонда биз «шок терапияси» каби моделларнинг номақбул шаклларида бутунлай воз кечганимиз — шуни таъкидлашимиз зарур — ўта муҳим ва ҳал қилувчи қадам бўлди.

Ўзбекистонимизга мос тарихий, миллий, анъанавий ва иқтисодий вазият ва хусусиятларни инобатга олмасдан туриб, «бозор иқтисодиётининг шиддатли гирдобига ўзингни ташласанг, унинг ўзи кўзланган манзилга олиб чиқади» деган хомхаёллардан бутунлай воз кечдик. Ва бугунги кунда бутун дунёда тан олинган, «ўзбек модели» деб ном олган жамиятимизни тубдан ислох этиш, эркинлаштириш, демократик янги давлат қуриш, уни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган тараққий йўлимизни танлаб олдик.

Тақдиримиз ҳал бўлаётган ўша оғир пайтда қанча сохта дохийлар майдонга чиққани, қандай кескин тортишувлар бўлгани, таъйиқ ва эъраволик ишлатилгани, ёш давлатимиз кемасини ағдаришга турли уринишлар содир этилгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Лекин бундай уринишлар, ҳара-

кат ва хуружларнинг пучга чиққанини, биз танлаган тараққийёт стратегиясининг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи яна ва яна бир бор тасдиқлаб бермоқда.

Шу фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизлар, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимиз айнан ўзимизга хос, ўзимизга мос бўлган, «ўзбек модели» деб эътироф этилган ривожланиш йўлимизни кенг қўллаб-қувватлагани учун яна бир бор ўзимнинг чуқур миннатдорлигимни билдириш, сизларнинг олдингизда, эл-юртимиз олдида таъзим қилишни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Биз танлаган ва машҳур беш тамойилга асосланган тараққийёт моделининг нақадар ҳаққоний ва самарали экани биз қураётган янги демократик тизимда, иқтисодиётимиз ривожланишининг барқарор, барчани ҳайратда қолдираётган суруятларида, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганида ўзининг амалий тасдиғини топомқда.

Ўтган даврда биз дуч келган оғир синов ва муаммоларга қарамадан, мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти қарийб 5 баробар, аҳоли даромадлари жон

бошига ўртача 8,7 баробар ўсганини, мамлакатимиз аҳолиси бу даврда 1,5 марта кўпайиб, 2015 йилнинг 1 январиди 31 миллион 500 минг кишини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, бундай улкан натижаларга эришганимизни, очигина айтганда, баъзан тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин.

Бугунги кунда мамлакатимизнинг ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 15 фоиздан ошмаслиги, ички қарзимиз умуман йўқлиги, экспорт ҳажми, олтин-валюта захираларимиз барқарор суруятлар билан ошиб бораётганида ҳам эришган улкан натижаларимиз исботини қуриш, кузатиш қийин эмас.

Жаҳон миқёсидаги глобал иқтисодий инқироз ҳали-бери давом этаётганига қарамадан, дунёнинг санокли давлатлари қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суруятлари сўнгги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Янги — 2015 йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суруятлари кўзда тутилмоқда.

Қадри ватандошларим!
Мамлакатимизда амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришлар, шаҳар ва қишлоқларимизнинг

қиёфаси тобора чирой очиб, аҳолиимизнинг фаровонлиги юксалиб бораётгани ҳақида гапирганда, бундай янгилашларнинг гоёт муҳим манбалари — аввало, одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгариш, уларнинг ён-атрофимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга дахлдорлик ҳисси, эртанги кунга муносабати ва ишончи тобора мустаҳкамланиб, сиёсий савияси ва ҳуқуқий маданияти ўсиб бораётгани ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли деб биламан.

Шулар ҳақида сўз юритар эканмиз, биз бундан 17 йил олдин қабул қилган, қўлга киритаётган барча ютуқ ва марраларимизнинг омили ва заминни бўлган, ҳаммамизни, аввало, болаларимизнинг онгу тафаккурини, ҳаётга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ва истиқболли мактаб дастури ҳақида алоҳида тўхталиб ўтишимиз зарур, деб ўйлайман.

Эски тизимнинг қолип ва ақидаларидан холи бўлган, мустақил фикрлайдиган ва ҳаётга қарайдиган, Ватанимиз тақдири ва келажиги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир куч сифатида

майдонга чиқаётган бугунги ёш авлодимиз айна шу дастурларнинг, биз амалга ошираётган тарбиявий ишларимизнинг маҳсули, десам, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Азиз юрдошлар, эсингизда бўлса керак, бу дастурни қабул қилаётган пайтда биз вақти-соати келиб у албатта ижобий маънодаги «портлаш эффекти»га сабаб бўлади, деб ишонч билдирган эдик. Минг шукри, ҳақиқатан ҳам, ҳаётимизни бутунлай ўзгартирган мана шундай дастуриимизнинг, унда муҳасам бўлган эзгу мақсадларимизнинг рўёбга чиққанини қўриш бизга насиб этди ва бу барчамизга катта ғурур ва хурсандчилик бағишлаб, қўнғилимизни тоғдек кўтарди, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлайди.

Муҳтарам дўстлар!
Жаҳон тарихи барчамизга бир ҳақиқатни доимо эслатиб туради — ҳаётимиз тараққийоти ҳеч қачон бир жойда тўхтаб турмайди, худди шу каби жамиятимизни ислох этиш ва демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш ва янгилаш бир муддатлик иш эмас, балки мунтазам давом этадиган узлуксиз жараёндир.

Айниқса, бугун биз XXI асрда —

интеллектуал меҳнат бирламчи аҳамият касб этаётган глобаллашув ва интернет асрида яшаётганимизни ҳисобга оладиган бўлсак, жаҳон бозорида рақобат қурашининг миқёси ва кескинлиги тобора ортиб бораётгани бу ҳақиқатни яна тасдиқлаб бермоқда.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак?

Жавоб битта: бундай шароитда фақат эришган ютуқлари билан чекланиб қолмасдан, жадал ўзгариб бораётган давр билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган мамлакатгина ўз эзгу мақсадларига эришиши мумкин.

Ҳаётнинг ана шундай қатъий талабини қайд этган ҳолда, **биз танлаган мақсад, яъни тараққий топган давлатлар қаторига кириш, халқимиз ва келажак авлодимиз учун муносоиб ҳаёт даражаси ва сифатини таъминлаш, халқаро ҳамжамиятда юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиш йўлида биз амалга оширган ишларимиз эзгу ниятларимизга эришишнинг фақатгина бир қисми эканини англаб олишимиз даркор.**

(Давоми 2-бетда).

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

Президентимиз Ислон Каримов 5 декабрь куни Оқсаройда бир гуруҳ юрдошларимизга Ватанимизнинг юксак мукофотларини топширди

Давлатимиз раҳбарининг фармонларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш ва ислохотларни муваффақиятли амалга оширишга катта ҳисса қўшган, эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини янада мустаҳкамлашда фидойилик кўрсатган, жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий, илмий-техник ва маънавий-маърифий ҳаётида алоҳида эътиборга сазовор бўлган бир гуруҳ юрдошларимиз давлат мукофотлари — фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланган эди.

Оқсаройда 5 декабрь куни ана шу юксак мукофотларни тантанали топшириш маросими бўлди.

— Авваламбор, сиз, азизлар билан бугун мана шундай яхши кайфиятда шу муҳташам залда қўришганимдан, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни изҳор этишдан хурсандман, — деди Ислон Каримов. — Сизларга маълумки, одатга айланиб қолган анъанага қўра, ҳар йили Конституция

куни арафасида Ватанимизнинг юксак унвон, орден ва медалларига сазовор бўлган юрдошларимиз билан учрашиб, уларни шу буюк сана билан табриклаш, ана шу мукофотларни топширишни ўзим учун ҳаққатан ҳам катта шараф, деб биламан.

Шу билан бирга, сиз, азизлар қатори давлат мукофотлари билан тақдирланган барча ватандошларимни гойибона бўлса ҳам бағримизга босиб, муборакбод этиш менга чуқур мамнуният етказад, қувончимга қувонч бағишлайди.

Биз жаҳондаги энг ривожланган давлатлар қаторига кириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш, халқаро майдонда Ватанимизнинг обрў-эътиборини юксалтириш каби олий мақсадларни ўз олдимизга қўйганмиз. Ана шу йўлда барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, белимизни маҳкам боғлаб, олдимизга қўйган вазифаларни амалга ошириш, марраларни эгаллашга барча кучимизни сафарбар қилишга интиломоқдамиз, деди Президентимиз.

(Давоми 3-бетда).

Озод ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси



«Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида 5 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг йигирма икки йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат арбоблари, фан, маданият ва санъат намоёндалари, пойтахт жамоатчилиги, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатларнинг элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳияси янгради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов тантанали йиғилишда маъруза қилди.

Давлатимиз раҳбари Конституцияимизнинг асосий қоидалари, тамойил ва мақсадлари мамлакатимизда яратилган ва самарали фаолият кўрсатаётган мукамал қонуничилик ва ҳуқуқий базанинг, бутун дунёда «ўзбек модели» деб ном қозongan жамия-

тимизни ислох этиш, демократлаштириш ва эркинлаштириш, таркибий туб ўзгаришлар ва мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича пухта ўйланган узок муддатли дастурнинг асосини ташкил этишини алоҳида таъкидлади.

Бундан 22 йил аввал демократик тамойиллар асосида қабул қилинган Асосий қонунимиз мамлакатимизда янги жамиятнинг ҳуқуқий кафолатларини шакллантирди ва мустаҳкамлади.

Мамлакатимиз истиқлолнинг

дастлабки йиллариданок белгилаб олган бозор иқтисодиётига йўналтирилган демократик давлат қуриш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни, қонуний манфаатларини таъминлаш, одил фуқаролик жамияти барпо этиш каби улугвор мақсадларга эришишда Конституцияимиз ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Халқимиз истиқлол йилларида эришган бетимсол ютуқлар, тинч-осойишта, тўқин ва фаровон ҳаётимиз, наққирон авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол инсонлар этиб воёга етказиш — буларнинг барчаси негизда Конституцияимиз турибди. Зеро, Асосий қонунимиз демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқлари устуворлигини, тинчлик-осойишталигини таъминлашдек улкан мақсадларга эришишнинг муҳим кафолатидир.

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси байрамининг яна бир муҳим жиҳати, шу кунни халқимизнинг эзгу интилишларини ифода этадиган, жамиятимиз ривожига хизмат қиладиган энг устувор йўналишлар белгилаб олинади ва келгуси йилга шунга мувофиқ ном берилади.

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилинган эди. Бу борада ишлаб чиқилган Давлат дастури асосида жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Йил давомида «Соғлом бола — аввало, соғлом ва аҳил оиланинг мевасидир» деган ҳаётий ҳикмат асосида улкан ишлар бажарилди. Давлатимиз раҳбари ушбу дастурда белгиланган тадбирлар юртимизнинг барча худудларини қамраб олиб, соғлом авлодни тарбиялашдек эзгу ниятларимизни рўёбга чиқаришда давлат ва нодавлат ташкилотлари, ижтимоий тузилмалар, ишлаб чиқариш корхоналари, бизнес вакиллари ўз куч ва имкониятлари билан фаол қатнашгани бу гоёнинг чиндан ҳам умумхалқ ҳаракатига айланганининг яққол намоёни бўлганини таъкидлади.

Президентимиз Ислон Каримов кириб келаётган янги — 2015 йилни мамлакатимизда **Кексаларни эъзозлаш йили** деб эълон қилишни тақлиф этди. Давлатимиз раҳбарининг бу тақлифи йиғилганлар томонидан гулдурас қарсақлар билан қўллаб-қувватланди.

Тантанали маросим санъат усталари ва ёш икромчиларнинг байрам концерти билан якунланди.

■ ЎЗА.

ФАХР

Тарих ва тамаддун мужассам шаҳар

Асрлар синовига бардош беролмай жаҳон харитасидан ўчиб кетган шаҳарлар ер юзидида қўллаб топилади. Лекин юртимизнинг жанубий ҳудуди — Термиз тарих талотўпларидан омон чиққан шаҳарлардан.



■ **Орзиқул СОАТОВ,**
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди
Сурхондарё вилояти бўлими
бошқаруви раиси ўринбосари,
Ўзбекистон Республикасида хизмат
кўрсатган маданият ходими.

Бу маскан Соҳибқирон Амир Темур асос солган давлатнинг мустаҳкам қўргони сифатида XIV-XV асрларда гуллаб-яшнади. Бирок башарий тамаддунига бешик бўлган Термиз собиқ шўролар даврида қўллаб осороти-атикалари, маданий ёдгорликларидан айрилди.

«Афсуски, дунёга қандай тенгсиз маданият дурдоналарини, не-не мумтоз зотларни берган бу замин мустабид тузум даврида собиқ Марказнинг беписанд сиёсати, «Сизларга бўлаверди» деган қараш туфайли узок йиллар давомида ривожланишдан ортда қолиб келгани ҳеч кимга сир эмас. Фақатгина мустақилликка эришганимиздан кейин мамлакатимизнинг барча худудлари қатори Сурхондарё ҳам ўтган қисқа даврда жуда катта, айтиш мумкинки, илгари тасаввур ҳам қилиб бўлмайдиган тараққийот йўлини босиб ўтди», дея таъкидлади муҳтарам Юртбошимиз Термиз шаҳрига Амир Темур орденини топширишга бағишланган тантанали маросимда.

> [5]

МАМЛАКАТИМИЗНИ ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАШ ВА МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИМИЗНИ ҚАТЪИЯТ БИЛАН ДАВОМ ЭТТИРИШ — БОШ МАҚСАДИМИЗДИР

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси

(Давоми. Бошланиши 1-, 2-бетларда).

Ўйлайманки, мана шу фурсатдан фойдаланиб, катта билим ва малака талаб этадиган айти шундай ўта нозик операцияларни амалга ошираётган, ноёб истеъдодга эга бўлган, ўзимиздан чиққан мохир хирургларга, бошқа мутахассисларимизга миннатдорлик билдиришимиз, уларга керак бўлган ёрдамимизни янада кучайтириш, янги имкониятларни очиб бериш учун ҳеч қандай маблағларни аямаслигимиз зарур, десам, барчамизнинг фикримизни билдирган бўлар эдим.

Фарзандларимиз ўртасида юқумли касалликларнинг олдини олиш мақсадида бу йил миллий эмлаш календарига ротавирус вакцинаси киритилиб, қарийб 300 минг бола ушбу вакцина билан эмланди.

Мамлакатимизда ногирон болалар туғилишининг олдини олишдек олийжаноб мақсадини амалга оширишда республикамизнинг барча ҳудудларида фаолият кўрсатётган, нуфузи ва самараси тобора ортиб бораётган скрининг марказларининг ролини алоҳида таъкидлашни хоҳлардим.

Бугунги кунда ана шундай ўта муҳим муаммолар ечишда бу марказлар катта ўрин тутмоқда. Биргина жорий йилнинг ўзида ушбу марказлар томонидан 20 мингдан ортиқ нуқсонли бола туғилишининг олди олинганини ҳеч нарса билан ўлчаб-қислаб бўлмайди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўйиласиз.

Шу йўлда амалга ошираётган ишларимиз, сарфланган маблағ, куч ва имкониятларимиз натижада қанчадан-қанча гўдакларнинг бенуқсон дунёга келиши, соғлом ва бақувват бўлиб вояга етиши, аввало, шу боланинг ўзи, ота-онаси ва оиласи учун, бутун жамиятимиз учун қандай қувонч ва бахт келтиришини тасаввур қилишнинг ўзи қийин, десак, айти ҳақиқатни айтган бўламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, соғлом бола, соғлом авлодини камол топтиришдек эзгу ишга ўзини бағишлаган ва шу йўлда фидокорона меҳнат қилаётган барча тиббиёт ходимларига самимий миннатдорлик билдираман.

Ана шундай юксак мақсадлар йўлида энг илгор, энг замонавий асбоб-ускуна ва технологиялар, даволаш усулларини юртимизга олиб келиш, бу борада чет давлатлар билан самарали ҳамкорликни янада кучайтиришга қаратилган ишларимизни алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ватанимизнинг юксак мукофотлари топширилди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бунинг тасдиғини охириги 10 йилда дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида Ўзбекистонимизда ялли ички маҳсулотнинг ўсиши 8 фоиздан кам бўлмасдан келаётгани мисолида қўриш мумкин. Жаҳонда ҳамон давом этаётган иқтисодий инқироз оқибатида кўпгина давлатларда иқтисодий ўсиш пасайиб, ҳатто ривожланишдан тўхташ ҳолатлари юз бераётган бир пайтда мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб бораётгани, янги — 2015 йилда ҳам бундай ўсиш суръатлари давом этиши кўтилаётгани барчамизга ғурур ва ифтихор бағишлаб, кўпгина давлатларнинг ҳаваси ва ҳайратини уйғотмоқда.

Иқтисодиётимизнинг барча тармок ва соҳаларида илгари мисли қўрилмаган натижаларга эришмоқдамиз. Қишлоқ ҳўжалигини оладиган бўлсак, миришкор деҳқонла-

римиз бу йилги мавсумда табиий ва иклим қийинчиликларига, сув тақчиллигига қарамасдан, қаҳрамонона меҳнат қилиб, 8 миллион 50 минг тонна галла, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёда пахта хирмонни бунёд этгани, барча қишлоқ ҳўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштиргани ҳар қандай таҳсин ва тасаннога муносибдир, деди Ўртбошимиз.

Ана шундай ютуқларимиз қаторида юқори технологияларга асосланган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган ўнлаб, юзлаб санаот корхоналари, магистрал йўл ва кўприklar, замонавий транспорт-коммуникация шормоқлари, шифохоналар, мактаб, лицей ва коллежлар, маданият ва спорт масканлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш объектлари ишга туширилаётгани, кенг кўламадаги ободончилик ишларимиз — буларнинг барчаси ўтиб бораётган 2014 йилнинг эл-юртимиз ҳаётида нақадар ёрқин из қолдираётганидан

яққол далолат беради.

Иқтисодиётимизда тобора ҳал қилувчи ўрин эгаллаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, сервис ва хизмат кўрсатиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларида аввал тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган юксак натижаларга эришаётганимиз ҳақида кўп гапириш мумкин.

Кейинги йилларда шаҳар ва қишлоқларимиз, бутун юртимизнинг қиёфаси тубдан ўзгариб, янада гўзал ва обод бўлиб бораётгани ҳақида сиз, азизларнинг ҳар бирингиз ўзингиз яшаб турган ҳудуд ҳаётидан кўплаб мисолларни келтиришингиз мумкин.

Айниқса, нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотаётган дастуриимиз, яъни қишлоқ жойларда намунавий лихўшалар асосида шу йилнинг ўзида 11 мингта шинам уй-жой барпо этилгани қанча қанча оилаларга хурсандчилик бағишлагани, уларнинг турмуш маданиятини юксал-

тиришга хизмат қилиши билан эътиборлидир, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Биз учун энг муҳим, энг устувор вазифа бўлган ёш авлодимизни соғлом ва барқарор қилиб тарбиялаш, инсон саломатлигини асраш борасида ўзини аямасдан, жонбозлик кўрсатиб келаётган устоз ва мураббийлар бўладими, шифокорларимиз бўладими — уларнинг олийжаноб меҳнатини бугун албатта ҳурмат билан тилга оламиз. Шулар қаторида илму фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларида, халқимиз маънавиятини юксалтириш бўйича жорий йилда эришган ютуқларимиз Ватанимизнинг шон-шўратини бутун дунёга тараннум этишга улкан хисса бўлиб қўшилганини таъкидлаш лозим.

Бугунги кунда орамизда шундай инсонлар борки, мамлакатимизни барқарор суръатлар билан ривожлантириш, юртимизда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган, эркин ва обод ҳаёт барпо этишда, тинчлик

ва осойишталик, меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик муҳитини янада мустаҳкамлашда уларнинг ўрни ва таъсири беқиёсдир, деди Президентимиз.

Бу борада маҳалла, нуронийлар, хотин-қизлар, ёшлар ташкилотлари фаолларнинг ҳиссаси гўят катта экани барчамизга яхши аён.

Бизнинг тинч ва осуда ҳаётимизни, мусавфо осмонимизни кўз қорачиғидек асраб келаётган, бугунги нотинч ва таҳликали бир вазиятда шу йўлда кўрагини қалқон қилишга тайёр бўлган мард ва жасур ҳарбийларимизнинг маънавияти ва шарафли хизмати ҳеч нарса билан қийслаб бўлмайди. Мана шундай довурак, ботир ўғлонларимизнинг шонли меҳнатини эъозлашимиз, қадрлашимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Сўнгра Президентимиз давлат мукофотларини тантанали равишда топширди.

— Бугун сизларнинг ҳар бирингиз учун ҳақиқатан ҳам унутилмас кун, кутлуг айём,

ана шу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 4 триллион 795 миллиард сўм ва 260 миллион АҚШ долларидан зиёда маблағ сарфланганининг ўзи, ўйлайманки, бу борадаги фаолиятимизнинг кўлами ва микёси нақадар улкан эканидан далолат беради.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай эзгу ишда фаол қатнашадиган ташкилотларга, хорижий ва халқаро тузилмаларга, мана шу залда ўтирган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларига, бу савобли ишга ҳисса қўшган, ҳолис хизмат қилган барча-барча инсонларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдиришга рухсат берайиз.

Қадрли дўстлар!

Энди мамлакатимизда яхши аънава ва одатга айлиб қолган тажрибамиз асосида кириб келаётган янги — 2015 йилга ном бериш ҳақида сиз, азизлар билан маслаҳатлашиб олсак, айти муддао бўларди.

Барчамизга яхши маълумки, ўтган давр мобайнида юртимизда йилларга қандай ном бермайлик — бу «Оила» ёки «Аёллар» йили бўладими, «Соғлом авлод» ёки «Соғлом бола» йили бўладими, «Обод маҳалла» ёки «Обод турмуш» йили бўладими — буларнинг барчаси, ҳеч шубҳасиз, чуқур маъно ва мазмунга эга.

Бошқача айтганда, бу каби олийжаноб мақсадларни кўзда тутиб амалга оширган тадбирларимиз аввало жамиятимизни янада эркинлаштириш, ҳаётимизни янада обод ва фаровон қилиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлашда, Ватанимизнинг обрў-эътиборини халқаро майдонда юксалтириш йўлида муҳим амалий қадам бўлганини ҳеч қим инкор этолмайди.

Шу билан бирга, мана шундай эзгу тадбирларни ўтказиш туфайли халқимизни янада жипслаштириш, меҳр-оқибат ва ҳамжихатликни, оилани янада мустаҳкамлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, аёл зотига, авваломбор, оналарга ҳеҳис меҳр ва эҳтиром сингар қадриятлар аҳолиимиз, хусусан, ёшларимизнинг қалби ва шу билан уридан чуқур ўрин олаётганини ҳисобга оладиган бўлсак — буларнинг барчасининг аҳамияти ва моҳиятини баҳолаш ўзи қийин, деб ўйлайман. Лўнда қилиб айтганда, бизнинг эътиборимиз марказида турган айтии шу хусусият ва физиолатлар, бугунги замон ва ҳаётимизнинг ўзи талаб қилаётган ўткир ва долзарб масалалар кириб келаётган янги йилларга ном бериш бўйича бизнинг рўйхатимизда турса, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг

хоҳиши ва талабига жавоб берадиган иш бўлар эди.

Айтии шу шартларни ҳисобга олган ҳолда, мен кириб келаётган 2015 йилга мамлакатимизда **Кексаларни эъозлаш йили**, деб ном беришни тақлиф этаман.

Азиз юртдошлар!

Ҳар қандай жамиятнинг ёши улуг одамларга бўлган эътибори ва ғамхўрлиги унинг маданий даражасини белгилайди, десак, янгилимаган бўламиз. Соддагина, ўзбекона қилиб айтганда, кексаларга ҳурмат-эҳтиром, меҳр-оқибат кўрсатиш маънавий ҳаётимизнинг том маънода ажралмас қисмига айланган.

Бир ўйлаб кўрайлик, «Қариси бор уйнинг париси бор», «Қариялар — хонадонларимизнинг файзи ва фаришаси» деган мақол ва ҳикматли сўзларимизда қандай чуқур маъно бор.

Ҳақиқатан ҳам, қайси хонадонда нуруний отахон ёки онахон бўлса, бу оилда албатта файзу барака, фаровонлик, аҳилик бўлишини барчамиз яхши биламиз.

Шу боис бугун турли соҳаларда эришаётган ютуқларимизда ота-оналаримиз, мўътабар қарияларимизнинг унутилмас ва улкан хизмати борлигини, биз улар олдида умрбод қарздор эканимизни унутмаслигимиз, қўлимиздан келганича уларнинг оғирини ёнгли, умрини узок қилишни ўзимизнинг инсоний бурчимиз, деб билишимиз лозим.

Ватанимизнинг мусавфо осмонини асрашда, ҳар қандай офатларни остонамизга йўлатмаслик, она юртимизни фашизм балосидан ҳимоя қилишда кекса авлод вакилларининг қандай жасорат кўрсатгани, фронт ортида меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳиссаси қўшгани, мамлакатимизни тиклаш, унинг ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий-маънавий салоҳиятини оширишда нуруний кексаларимиз намоён этган фидойиликни биз ҳаммаша катта миннатдорлик билан эслаймиз.

Бугун фахрийларимизнинг хурматини хойига қўйиш, ҳар қайси кекса одамнинг юрагига етиб бориш, кўнглини кўтариш, шу билан бирга, уларнинг ҳаётини мазмунли қилиш йўлида олиб бораётган ишларимизни кучайтириш, самарасини ошириш зарур.

Халқимизнинг қадимий ва шонли тарихини узвий давом эттиришга, шу тарихнинг ўчмас саҳифаларини, аждоқларимизнинг буюк меросини, қадрият ва урф-одатларини ёшларимизга етказиш, ҳаётимизни тобора поклаш ва файзу баракали қилишда, бир сўз билан айтганда, уни маънавий юксалти-

ришда, бугун Яратганнинг бизга берган ҳар бир қунини маъноли ва сермазмун ўтказишда беқиёс ҳисса қўшаётган ота-боболаримизга ҳар томонлама ҳурмат, эъоз ва эҳтиром кўрсатиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб ўйлайман.

Бугунги кунда мамлакатимизда **60 ёшдан ошганлар сони 2 миллион 873 мингдан кўпроқ кишини ташкил этади**. Мустақиллик йилларида халқимизнинг ўртача ёши 1990 йилдаги 67 ёшдан 73,5 ёшга, аёллар ўртасида эса 75,8 ёшга етди.

Айтии пайтда юртимизда 225 минг нафар 80 ёшдан, 44 минг нафар 90 ёшдан, 8 минг 700 нафар — шунга эътибор беринг — 100 ёшдан ошган табарруқ қариялар яшамокда. Улар орасида 3 минг 109 нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 69 минг 994 нафар фронт ортида меҳнат қилган инсонлар борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Бу ниманинг исботи? Бу аввало, истиқлол даврида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифати тобора ортиб бораётганидан, ёши улуг одамларимиз яхши ният, эртанги кунимизга катта умид билан яшаётганидан, уларнинг қалби софлигидан далолат беради.

Хонадонларимиз кўрки бўлган пири бадавлат кексаларимизни ҳар томонлама қадрлаш мақсадида мамлакатимизда катта ишлар амалга оширилмоқда. Шу йилнинг ўзида уларга давлат бюджетидан ҳисобидан 11 триллион 618 миллиард сўмдан ортиқ пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёда нафақалар тўлангани бунинг амалий тасдиғидир.

Дунёдаги камдан-кам давлатлар қаторида бугунги кунда давлатимиз пенсияга ажратадиган маблағнинг миқдори ўртача ойликнинг 41 фоиздан зиёдини ташкил этиши ҳам шундан далолат беради.

Бу борада 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармонида асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш, хусусан, йилда бир марта ўзлари учун мақбул муддатларда санаторий-соғломлаштириш муассасаларида давлат ҳисобидан даволашни имкони яратилгани сизларга яхши маълум, деб ўйлайман.

Айтии вақтда кекса авлод вакилларига нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар томонидан ҳам моддий ва маънавий қўмак берилаётгани ва бундай ёрдамнинг микёси кенгайиб бораётгани эъти-

САЙЛОВЛАР —
ДЕМОКРАТИЯ
КЎЗГУСИ

Ваколат
масъулият ва
фидойиликни
талаб этади



Сайловлар қучли
фуқаролик жамиятига
асосланган демократик
хўқуқий давлатнинг
муҳим белгиси, халқ
хоҳиш-продазининг
эркин ифодаси, жамият
ва давлат ишларини
бошқаришда фуқаролар
иштирокининг асосий
шаклидир.



САЙЛОВЛАР — ДЕМОКРАТИЯ КЎЗГУСИ

Ваколат масъулият ва фидойиликни талаб этади



< [3]

Аҳолининг давлат органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини демократик тарзда ташкил этишдаги иштироки эркин сайловлар жараёнида намён бўлади. Мамлакатимизда бу борада зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган. Конституциямизнинг 32-моддасида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали қатнашиш ҳуқуқи эгаллиги белгилаб қўйилган.

Янги тахрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 11-моддасида маҳалла фуқаролар йиғинининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловдаги иштироки қонун орқали қафолатланган.

— Сайловларнинг юқори савияда ўтиши, фуқароларнинг муҳим сиёсий жараёнда фаол иштироки ўзини ўзи бошқариш органларида бўлиқ, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Навоий вилояти бўлими бошқаруви раиси Нормурод Исоқов. — Айни пайтда маҳаллаларда кенг миқёсда сайловолди тарғиботлар олиб бориляпти. Мазкур тадбирларда сайловчиларга депутатликка номзодларнинг фаолияти тўғрисида маълумот берилиб, уларнинг дастурулари тақдим қилиняпти.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 13-моддасида фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари белгиланган. Унга кўра, ушбу кенгаш депутатларга сайловчилар билан учрашувлар уюштиришида, фуқароларни қабул қилишида, ўз сайлов округларида бошқа ваколатларини амалга оширишида кўмаклашади. Фуқаролар йиғинларининг бундай ваколатлари янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришининг тартиби белгиланган.

Тақкидлаш жоизки, Навоий

вилоятидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига кўрсатилган номзодларнинг бир нафари, халқ депутатлари вилоят Кенгашига номзодларнинг 12 нафари маҳалла тизими ҳодимларидир. Шунингдек, туман ва шаҳар Кенгашларига номзодлар сафида ҳам маҳаллаларда фаолият юритаётган илғор ва фидойи юртдошларимиз бор.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнидаги иштирокига оид муносабатлар тартибга солинган. Жумладан, сайловга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов кунини овоз бериш ҳоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан биттадан кузатувчи қатнашиш ҳуқуқи эга.

— Сайлов қонунчилигига биноан халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашига сайлов ўтказадиган туман, шаҳар ва округ сайлов комиссияларининг, шунингдек, участка сайлов комиссияларининг аъзолари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиясига биноан тасдиқланади, — дейди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловини ўтказувчи 37-сайлов участкаси раиси, Қармана тумани Алишер Навоий номидаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси Уллубек Ҳомидов. — Бу маҳалла институтига берилган ваколатларнинг бир қўринишидир. Бундан ташқари, депутатликка номзод кўрсатган маҳалла фуқаролар йиғини тегишли муддатда ҳудудий сайлов комиссияларининг қарорлари устидан юқори сайлов комиссиясига шикоят билан мурожаат этиш ҳуқуқи ҳам эга. Сайлов қонунчилигига кўра, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг сайлов жараёнидаги иштироки, бу борада уларга берилган ваколатлар янги тахрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда ҳам мустаҳкамланган бўлиб, унда сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқотини олиб боришининг тартиби белгиланган.

■ **Холбиби САФАРОВА**
«Mahalla»

БАХТИМИЗ ҚОМУСИ

Демократик ва инсонпарварлик тамайилларининг ёрқин ифодаси

Ҳуқуқий давлатнинг қуроли ҳам, ҳимояси қалқони, кўзи ҳам қонундир. Инсон ҳаётида улкан аҳамият касб этувчи энг асосий қонун — Конституциядир.



■ **Д. ҚУРБОНОВ,**
Самарқанд давлат университети ҳуқуқшунослик факультети доценти.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонпарварлик тамайилларига асослангани, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидаларига мослиги, қолаверса, умумхалқ муҳокамасидан ўтказилиб, тақдирлар асосида қабул қилинганлиги билан инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўювчи ва қафолатловчи энг мукаммал конституциялар сирасига кирди.

Маълумки, мустақиллигимизнинг илк кунлариданқўртбошимиз раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларни таъминладиган буюк давлат бармоқ этиш олий мақсад қилиб белгиланди. Утган йигирма икки йил давомида ушбу мақсад йўлида, демократик янгилаш ва сиёсий ислохотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, жумладан, давлат қурилиши ва бошқаруви, қонунчилик ва суд-ҳуқуқ, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда муҳим ютуқларга эришилди. Бунда, албатта, Бош қонунимизнинг муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини эътироф этиш жоиз.

Дарҳақиқат, демократик давлатларда ҳеч бир шахс ёки фуқаро ўз ҳаёти, ҳақ-ҳуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур этолмайди. Унга кундалик ҳаёти давомида бевосита мурожаат қилади,

жиноий ҳазо сифатида ўлим ҳазоси бекор қилинди. Унинг ўрнига умрбод ёки узоқ муддатга озодлиқдан маҳрум этиш ҳазоси тайинланди. Ушбу ҳазо тури мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Инсонпарварлик ва одиллик тамайилига асосланган ҳазо тизимидаги мазкур ислохот замирида Ўзбекистон давлати ва халқи ҳар қандай шахснинг ахлоқан тузалиб, жамиятга муносиб аъзо бўлиб қайтишига ишонч билдириб, бунга имкон яратиш бериш мақсади муҳимсамлиги халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлди. Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилган бу каби қатор сайҳаракатлар натижасида Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жинойий ҳазо тизимларидан бири яратилди.

Дастлабки тергов босқичида суд назоратини қўчайтириш, соҳада суд фаолиятини такомиллаштиришда «Хабас корпус» институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиш принципиал қадам бўлди. Бугун мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Конституциямиз ва унинг асосида қабул қилинган қонунларимизда фуқароларнинг нафақат ҳуқуқ ва эркинликларни мустаҳкамлашга, балки муҳофаза этиш механизмига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли қафолатлар яратиш беролмаган жамият демократик жамият эмас.

Конституциянинг 44-моддасида ҳар бир шахс ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқининг қафолатлангани бунинг амалий ифодасидир.

Муҳтасар айтганда, кўпмиллатли республикаимиз аҳолисининг мақсади, хоҳиш-иродаси ўз ақсини топган Конституциямиз том маънода эркимиз рамзи, инсонпарварлик қомуси сифатида эртанги кунга ишонч, жамиятимиз истиқболига таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

ЯНГИ ГУЗАР

Фаолият самарадорлигини таъминлайди

Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 22 йиллиги арафасида Сурхондарё вилояти Узун тумани «Ўланкул» маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари янги бинога эга бўлишди.

■ **Нигина ШОЕВА**
«Mahalla»

— Янги гузар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси ва ҳомийлар кўмагида барпо этилди, — дейди йиғин раиси Уроз Боллиев. — Миллий меъморчилик андозларига асосида қурилган бино фаолларга муносиб тўхфа бўлди. Раис, масъул котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бў-

йича маслаҳатчи ҳамда посбон учун алоҳида ҳоналар ажратилгани ҳудуддаги 3,4 минг нафарга яқин аҳолига сифатли хизмат кўрсатишда қўл келади.

Фонд томонидан ажратилган компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари фаолият самарадорлигини оширишнинг муҳим омилдир.

УЧРАШУВ

Тинч ва осуда ҳаётимиз асоси

Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан пойтахтимиз маҳаллаларида маънавий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

■ **Фарҳод ЭСОНОВ**
«Mahalla»

Чунончи, Абдулла Авлоний номидаги маҳалла фуқаролар йиғинида ташкил этилган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси — тинч ва осуда ҳаётимиз асоси» мавзусидаги учрашувда ўқувчи-ёшлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, кенг жамоатчилик иштирок этди. Тадбирда Яқкасарой тумани ҳокимлиги вакиллари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлини маси мутахассислари, таникли ижодкорлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари ва истеъдодли ёшлардан иборат тарғибот гуруҳи аъзолари Конституциямизнинг давлатимиз тараққиёти ва халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти



ҳақида гапиришди. Юртбошимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўллами ислохотлар замирида Асосий Қонунимизда белгилаб берилган қоида ва тамайиллар муҳасам экани таъкидланди. — Конституциямизни чуқур ўрганишимиз, унинг мазмун-моҳиятини теран тушунишимиз зарур, — дейди «Маҳал-

КЎРИК-ТАНЛОВ

Муносиблар тақдирланди

Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да фуқаролик жамиятини қуришда асосий омил жамоат ташкилотлари фаолиятини қўчайтириш, бу жараёнда фуқароларнинг шахсий фазилатлари, фидойилиги, нодавлат ташкилотларнинг энг қўйи қатламга қадар қириб боришининг аҳамияти чексизлигига урғу берилган.



■ **Юлдуз ҲОЖИЕВА**
«Mahalla»

Дарҳақиқат, ҳар бир ташкилотнинг илдизлари — унинг қўйи тизими, яъни бошланғич ташкилотларидир. Ислохотларнинг кенг халқ оммасига етиб боришида жойларда жамоатчилик иштирокини кенгайтиришда қўйи тизимлар билан бирга бошланғич ташкилотлар бирдек масъул.

Хотин-қизлар кўмиталари ҳам ўз илдизи — бошланғич ташкилотларнинг жадал ва ҳаққоний, фидокорона меҳнатига таянади. Шуниси эътиборлики, 8996 та шундай ташкилот айнан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида, яъни, фуқаролар йиғинларининг Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари негизда ташкил қилинган. Улар аёлларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялаш, ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, саломаатлигини сақлашда кенг қамровли чора-тадбирларни амалга ошириб келаяпти.

Фидойи, серғайрат, ташаббускор, ҳар жабҳада фаол, ўз ортидан бошқаларни эргаштира оладиган аёлларни бирлаштирган бошланғич ташкилотларнинг хизматлари муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, 2011 йилдан буён Хотин-қизлар кўмитаси тизимида «Хотин-қизлар кўмитасининг энг намунали бошланғич ташкилоти» кўриқ-танлови ўтказиб келинмоқда. Танловни ўтказишдан кўзланган мақсад ҳам кў-

мани тизимини янада такомиллаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшаётган бош-

ланғич ташкилотлар фаолиятини қўжайтиришга эришишдан иборатдир. Жорий йилги кўриқ-танловнинг туман-шаҳар босқичларида 25 минг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар босқичида 3 минг нафарга яқин бошланғич ташкилот раислари иштирок этди. Уларнинг 98 нафари 7 та — «Энг намунали бошланғич ташкилот кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали касб-ҳунар коллежи ёки академик лицей Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали умумтаълим мактаби Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти», «Энг намунали тиббиёт муассасаси Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» ва «Энг намунали корхона Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинациялари бўйича Республика босқичига тавсия этилди. Танловдаги янгиликлардан бири шундаки, Соғлом бола йили муносабати билан янги, яъни «Энг намунали мактабгача таълим муассасаси Хотин-қизлар кўмитаси бошланғич ташкилоти» номинация қўйи қатламга қадр қилинди.

Танлов натижаларига кўра, Республика босқичида 1-ўринни Навоий вилояти, 2-ўринни Наманган вилояти, 3-ўринни Фарғона вилояти вакиллари эгаллади. Фолиблар диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова қатнашди.

Анжуманда, айниқса, ёшлар фаоллик кўрсатиши, Конституциямизни пухта би-лишларини яна бир бор на-мойиш этишди. Бу маҳалла-ларда ҳуқуқий маърифат со-ҳасида олиб борилаётган иш-лар самарасидир.

Тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга совғалар улашилиб, байрам дастурхони ёзилди.

АНЖУМАН

Мақом қатъий белгиланган

Конституция энг халқчил қомус сифатида Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари учун бирдек қадрлидир. Негаки, Бош қонунимизда халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган қоидалари, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари ҳамда уларнинг тинчлиги ва тотувлиги қафолатланган.

■ **Т. НИЗОМОВ**
«Mahalla»

Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳодимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув

курсларида Бош Қомусимиз қабул қилинганининг 22 йиллиги муносабати билан «Конституциявий ҳуқуқларни амалга оширишда маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида анжуман ташкил этилди.





ФАХР

САХОВАТ

СЕМИНАР-ТРЕНИНГ

Тарих ва тамаддун мужассам шаҳар

< [1]

Дарҳақиқат, бугун Сурхон воҳасига ташриф буюрган киши истиқлол туфайли қайта тикланган тарихий обидалар, табаррук қадамжоларни кўриб, улуг аждодларимизнинг бой маънавий меросидан баҳра олади. Шунинг баробарида аҳолининг турмуши фаровонлашганига, фуқароларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўлади.

Бунда фуқаролар йиғинларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлиги бизга ғурур бағишлайди. Зотан, халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини ўзида муҳассам этган, истиқлол туфайли мустақам ҳуқуқий асосга эга бўлган маҳалла бугун чинакам қадриятлар масканига айланди.

Айни пайтда вилоятдаги 712 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, шу жумладан, 115 та кишлоқ, 5 та шаҳарча ва 592 та маҳалла фуқаролар йиғинида фаолият юритаётган мутасаддиларга муносиб хизмат шароитини яратиб бериш бўлими олдиди турган масъулиятли вазифалардан. Шу мақсадда жорий йил бошида таъмирталаб биноларда 355 та фуқаролар йиғини фаолият юритаётган чора-тадбирлар эди. Уларни таъмирлаш учун ҳокимликлар кўмаги билан уч босқичли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Ўтган вақт мобайнида мазкур маҳаллаларнинг бинолари тўлиқ таъмирланди.

Жорий йилда миллий меъморчилик андозлари асосида барпо этилган 17 та йиғин гузари Сурхон воҳасининг кўр-кига кўрк қўшиб турибди.

«Намунали маҳалла» дастури асосида жорий йилда Ангор туманидаги «Гулзор», Бойсун туманидаги «Қорабўйин», Деновадаги «Янги ҳаёт», Олтинсойдаги «Жобу», Қизилқиздаги «Қорасув», Шерободдаги «Ғалаба», Термиз туманидаги «Қахрамон», Қўмқўрғондаги «Жийдали», Сарисийёдаги «Наврўз», Музработда Ада-Термизий номидаги, Узунд



ТАРБИЯ ТАРОЗУСИ

Эртамиз эгаларига эътибор бугундан бошланади

Каттақўрғон шаҳридаги битта шаҳарча ва 35 та маҳалла фуқаролар йиғинида вояга етмаганлар билан ишлашнинг аниқ тизмини шаклланди. Бунда фуқаролар йиғинларининг Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари томонидан олиб борилаётган ишларнинг самараси катта бўлаётир. Бўлинмани эса мазкур йўналишда маҳалла фаолларига услубий ва амалий кўмак кўрсатаётир.

■ **Мавжуда ИЗЗАТУЛЛАЕВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Каттақўрғон шаҳар бўлини маси бош мутахассиси.**

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишга кўмаклашиш мақсадида тегишли давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда белгиланган чора-тадбирлар амалга оширилляпти. Шаҳарнинг «Дўстлик», «Навбахор», «Қўҳнадам», «Яккабоб», «Чинобод», Амир Тему

ги «Янги куч», Шўрчидаги «Са-вуртпел», Термиз шаҳридаги «Алпомиш» маҳаллалари бинолари намунали ҳолатга келтирилди.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги 73 та маҳалла компьютер жамланмалари билан таъминланди. 2015 йилнинг охиригача барча фуқаролар йиғинлари-га ахборот-коммуникация воситаларини етказиб бериш кўзда тутилган. Шунингдек, 500 та йиғин мебеллар тўпламига эга бўлди. Жумладан, Соғлом бола йилида 72 та йиғинга зарур жиҳозлар олиб берилди.

Барча шарт-шароитга эга биноларда фаолият юритаётган маҳалла фаоллари асосий эътиборни эртамиз эгалари — ёшларни миллий қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида камол топтиришга бел боғлаган. Биргина жорий йилнинг ўтган даври мобайнида навқирон авлод вакилларида юксак инсоний фазилатларни шакллантириш мақсадида 1550 марта давра суҳбати ташкил этилди.

Шунингдек, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришда ҳам маҳалла мутасаддилари бош-қош. Айниқ-са, «оммавий маданият»нинг таҳдиди кучайиб, муқаддас динимизга ёт турли бузғунчи ғояларнинг таъсир кучи ортиб бораётган бир пайтда фуқаролар йиғинлари ёшларнинг, таъбир жоиз бўлса, ҳимоячи-сига айланди. Жорий йилда фарзандларимизни экстремистик оқимларнинг ғаразли хуружлардан ҳимоялаш мақсадида 850 дан зиёд тадбирлар ташкил этилди. Уларга 47 минг нафарга яқин аҳоли жалб этилди.

Вилоятимиз қўшни давлатлар билан чегарадош бўлгани боис ушбу ҳудудлардаги 39 та фуқаролар йиғини мутасаддилари зиммасига аҳолини янада огоҳ ва ҳушёрликка чорлашдек масъулиятли вазифа қўйилган. Ҳозир маҳалла фаоллари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари билан мустақам ҳамкорлик ўрнатиб, асосий эътиборни тинчлик-осойишталикни таъминлашга қаратган. Зотан, юртимизнинг янада тараққий этиши, маҳаллалар ободлиги бевосита тинчликнинг барқарорлигига боғлиқ.

Дарҳақиқат, буюк шахсларнинг қадими етган жойи обод бўлади, деб бежиз айтилмаган. Бундан беш юз йил аввал Амир Тему

р бобомиз ташрифидан обод масканга айланган Термиз бугун янада серфайз ва тароватли шаҳар сифатида нафақат юртдошларимизнинг, балки хорижлик меҳмонларнинг ҳам ҳайратини оширмоқда.

даги маҳалла фуқаролар йиғинларида болалар спортини ривожлантириш мақсадида намунали майдончалар ташкил этилган. Биргина Амир Тему

р номидаги маҳалла фуқаролар йиғини мисолида олиб кўрсак, бу ердаги минифутбол ва бошқа спорт майдончаларида ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтаётгани боис вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик, турли салбий ҳолатлар кузатилагани йўқ. Ҳафтанинг ҳар шанба кунини спорт мусобақалари ташкиллаштирилади. Фан, санъат ва хунармандчилик йўналишларидаги тўғаракларга ёшлар қизиқишларига кўра қамраб олинган.

Ҳеч ким меҳр-мурувватдан бегона эмас

Мурувват, саховат, кўмакка муҳтожларга ёрдам бериш — халқимизга хос фазилатлардир. Айни шу мезонлар «Маҳалла» хайрия жамоат фонди фаолиятининг асосини ташкил этади.



■ **Элёр БОЙМИРЗАЕВ «Mahalla»**

Аҳолининг кўмакка муҳтож қатлами ижтимоий муҳофазалаш, имконияти чекланганларга моддий ва маънавий ёрдам бериш, меҳр-мурувват кўрсатишда Фонд тузилмаларининг ҳиссаси бекиёс.

3 декабрь — Халқаро ногиронлар кунини муносабати билан тизим фаолиятида бундай хайрли амаллар янада кизгин тус олди. Жумладан, сана муносабати билан Фонд республика бошқаруви ҳисобидан 11 млн. сўмга яқин маблағ ажратилиб, ногирон, кўмакка муҳтож юртдошларимизга кийим-кечак, машиш буюмлар тарқатилди. Мамлакатимиз бўйлаб ташкиллаштираётган хайрия тадбирларида Фонд ҳудудий тузилмалари ҳам бош-қош бўлаётир. Ногиронлар, кам таъминланган оила фарзандлари, Меҳрибонлик, Саховат уйлари тарбияланувчиларига совға-саломлар улашилмоқда, байрам дастурхони ёзилмоқда.

Жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими

МАҲАЛЛА КЎЗҒУСИ

Замонавий, шинам ва файзли

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент вилояти бўлими томонидан барпо этилган «Ғайрат» маҳалласи Пискент туманида жойлашган.

■ **Садоқат МАХСУМОВА «Mahalla»**

Маҳалланинг шинам гузари Конституциямиз қабул қилинганнинг 22 йиллигига муносиб тўхфа бўлди. Фонд вилоят бўлими томонидан идорага компьютер жамланмаси ҳамда мебелъ жиҳозлари олиб берилди. Шунингдек, янги бинодан мажлислар зали ҳамда «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаси сардори учун алоҳида хоналар ажратилди.

Ҳудудни кўркемлаштириш мақсадида 350 м² майдонга майса экилди, 80 м² йўлақлар асфальтланди ва турли манзарали дарахт кўчатлари ўтказилди.

Янги бинода кутубхона ташкил этилди. Тизимга оид адабиёт, кўлланма ва рисоалар маҳалла мутасаддилари фаолияти самардорлигини оширишга хизмат қилмоқда.



томонидан ташкиллаштирилган тадбирлар ҳам пойтахтимиздаги имконияти чекланганлар учун ажойиб тўхфа бўлди. Шаҳарнинг Миробод туманидаги 57- ва Олмазор туманидаги 102-маҳсус мактаб-интернатларида тарбияланаётган ўғил-қизларга улашилган совға-саломлар, байрам дастури уларнинг кўнглини шод этди.

Ҳар бир ота-она фарзандини асраб-авайлайди, бекам кўст вояга етиб, келажақда комил инсон бўлиб ўлгайишини истади. Бироқ кўнгли ярим, меҳрга муҳтож, жисмоний имконияти чекланган болалар ҳам бахтиёр ўсиб-унишга, ўзининг имкониятини муассасаларида билим олишлари учун барча имкониятлар яратилгани кувонарли ҳол. Албатта, бундай ғамхўрлик уларнинг касб-ҳунар эгаллаши, ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланишида муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, кўнгли ўқисик фарзандларга меҳр кўрсатиш, уларни рағбатлантириш эзгу, савоб амаллар сирасидандир.

Сана муносабати билан жойларда Фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан саховат тадбирлари уюштирилиб, ногирон, яқка-ёғиз, кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олинаётир, совғалар улашиш давом этмоқда.



бирлар доирасида эмас, балки йил бўйи давом этади. Жумладан, 1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини муносабати билан Миробод туманидаги 57-маҳсус мактаб ўқувчиларига 60 жуфт, «Наврўз» умумхалқ байрами арафасида Сергели туманидаги 33-сон маҳсус мактаб ўқувчиларига ҳомиёлар томонидан 199 жуфт пойабзал тарқатилди.

Дарҳақиқат, юртимизнинг қайси ҳудудига бормаилик, ногиронларга юксак эътиборнинг гувоҳи бўламиз. Айниқ-са, тиббий кўмакка муҳтож болаларнинг уй шароитида, маҳсус мактаб-интернатларда ва умумтаълим муассасаларида билим олишлари учун барча имкониятлар яратилгани кувонарли ҳол. Албатта, бундай ғамхўрлик уларнинг касб-ҳунар эгаллаши, ўзлари қизиққан машғулотлар билан шуғулланишида муҳим аҳамият касб этади.

Зеро, кўнгли ўқисик фарзандларга меҳр кўрсатиш, уларни рағбатлантириш эзгу, савоб амаллар сирасидандир.

Сана муносабати билан жойларда Фонднинг ҳудудий тузилмалари томонидан саховат тадбирлари уюштирилиб, ногирон, яқка-ёғиз, кўмакка муҳтожлар ҳолидан хабар олинаётир, совғалар улашиш давом этмоқда.

Малакали мутахассис машаққатдан кўркмайди

Мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни кўллаб-қувватлаш, фуқаролар йиғинларининг моддий-техник базасини кучайтириш ҳамда соҳа ходимларига услубий ёрдам кўрсатишда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг кўмаги катта.

■ **Ақбар РУСТАМОВ «Mahalla»**

Жамият ҳаётида нуфузи ва мавқеи тобора ошиб бораётган ушбу тузилма фаолиятини янада яхшилаш, иш самарадорлигини ошириш бевосита ҳодимларнинг касбий малакаси-га, уларнинг тизимга оид қонун ҳужжатлардан тўлиқ хабардорлигига боғлиқ.

Бухоро давлат университетида ўтказилган фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари фаолиятини йўналтириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш бўйича «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятлари бўлимлари ҳамда шаҳар ва туманлар бўлимлари бош мутахассислари учун ташкил этилган семинар-тренинг айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

Семинарда бош мутахассислар фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиларининг иш фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг маҳаллаларда барқарор диний ва маънавий-ахлоқий муҳитни таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва бошқа йўналишдаги низоми вазифаларни амалга ошириш борасида зарур билимларга эга бўлишди.

— Фонднинг республика бошқаруви масъл ходимлари, таниқли олимлар, ҳуқуқшунослар ҳамда мутахассислар томонидан интерфаол усулда ўтказилган машғулотларда низомига оид вазифаларимиз, улар-



нинг ижро механизмлари, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик бўйича тавсиялар олдиқ, — дейди Фонднинг Навоий вилояти Қизилтепа тумани бўлини маси бош мутахассиси Санобар Садирова. — Эндилқда ушбу тавсияларга амал қилган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, «Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлигини янада кучайтириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларни диний экстремизм ва ақидапарастиқдан ҳимоя қилиш, оилаларни тадбиркорликка жалб этиш, бу борада тегишли услубий ёрдамлар кўрсатишга қаратилган ишларимизни янада кучайтира-миз.

Тадбир иштирокчилари Қонгон шаҳри Файзулла Ҳўжаев номидаги маҳаллага қўрилиб, буюрилиб, йиғинда яратилган шарт-шароитлар билан қияндан танишдилар. Шунингдек, Бухоро вилоятининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, унутилмас таассуротлар билан қайтишди.

«ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ»

Муштарак мақсад ва манфаат йўлида

Фарғона вилояти Ўзбекистон туманидаги Қизилбоб кишлоғида умрғузаронлик қилаётган Адолатхон Исоқов қизини турмушга узатишда бироз қийналиб қолгани боис маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги «Жамоатчилик қабулхонаси»га ариза билан мурожаат қилди. Масалани ўрганиб чиққан мутасаддилар унга мебелъ тўхфа этишди.

■ **Расул КАМОЛ «Mahalla»**

Фарғона тумани Хонқиз кишлоғидаги «Оқ олтин» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Маҳмуджон Норматовнинг бошига оғир иш тушганида маҳалла қошидаги «Жамоатчилик қабулхонаси»нинг амалий ёрдами катта бўлди. Фарғона шаҳар «Ибрат» маҳалласидан Мавлон Саторов доволаниш учун моддий ёрдам сўраб қилган мурожаатига амалий жавоб қайтарилди.

Истиқлол йилларида аҳолини ижтимоий кўллаб-қувватлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари том маънода аҳоли манфаатларини ҳимоялаш, ўзаро меҳр-оқибат туйғулларини мустаҳкамловчи ишончли маскан сифатида шаклланди.

Бу борадаги ишлар самарадорлигини янада ошириш мақсадида маҳаллаларда ташкил этилган «Жамоатчилик қабулхонаси»нинг амалий фаолиятида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Энг муҳими, жойларда мазкур ижтимоий тузилманинг изчил фаолият юритиши учун замонавий компьютер жамланмаси, мебелъ ва алоқа воситалари билан таъминлангани, бу фуқароларнинг ёзма ҳамда оғзаки шикоят ва аризаларини тезкор, адолат тамойиллари асосида ўрганиб хал қилиш, мансабдор шахслар билан учрашиш, телефон орқали бог-

лашиш имкониятини яратди. — Маҳаллаларда «Жамоатчилик қабулхонаси» ташкил этилгани фуқаролар мурожаатларини, муаммоларини вақтида ҳал этиш имконини бермоқда, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилоят бўлими масъл котиби Тохиржон Норматов. — Таҳлилларга кўра, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида моддий ёрдам сўраб мурожаат қилган 569 нафар фуқарога 150 миллион 791 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Икки нафар олий ўқув юрти талабасининг шартнома пуллари тўлаб берилди, 31 нафар яқка-ёғиз, 5 нафар уруш ва меҳнат фариҳиси, 262 нафар кам таъминланган, 10 нафар табиий офатлардан жабрланганлар мурожаатлари ўрганилиб, уларга амалий кўмак берилди. Албатта, бундай эзгу ишлар салмоғини рақамларда тўла-тўлиқ ифодалаб бўлмайди. Ҳар бир мурожаат ўрганилиб, унда кўтарилган масалага ечим топиляпти. Фонднинг шаҳар ва туман бўлимлари, маҳалла фуқаролар йиғинларида мазкур ижтимоий тузилманинг мақсад ҳамда вазифаларига бағишланган ўқув-семинарлар бўлиб ўтди.

Ҳулоса қилиб айтганда, хат, ариза, шикоят ортида инсон, унинг орзу-умиди, манфаати муҳим. Бу борада «Жамоатчилик қабулхонаси»нинг фаолияти мақсадлар муштараклиги, юрт тарққиети, эл фаровонлигига хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

МАСЛАХАТ МАРКАЗИ

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАГА
ИМКОНИАТ ВА ҚЎМАҚ ҲОЗИР

«Косиблар» маҳалласи Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги чирой очаётган масканлардан. Замонавий услубда қад ростлаган қўшқаватли уйлари савдо дўконлари, хизмат кўрсатиш шохобчалари тўйхоналар худуд кўрига кўрк кўшмоқда.

■ Нигина ШОЕВА
«Mahalla»

Маҳаллада аҳолининг эҳтиёжи учун барча шароит муҳайё. Номидан кўриниб турганидек, маҳалла аҳлининг аксарияти хунареманд-тадбиркор. Улар мамлакатимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити, қолаверса, йигин қошидаги «Маслахат маркази»нинг услубий-амалий кўмагида иш бошлаб, нафақат худуд ободлиги, балки аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётир.

— «Маслахат маркази» фаолиятини янги тахирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонуннинг 17-моддасига мувофиқ йўлга қўйганмиз, — дейди йигиннинг «Маслахат маркази» раиси Олложон Абдуғаниев. — Марказимиз малакали ҳуқуқшунослар, ишбилармонлар ва солиқ тизими ходимларидан таркиб топгани боис тадбиркорликка қўл уриш ниятидагиларга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-мохиятини тушунтириш, солиқ соҳасидаги имтиёзлар ҳақида маълумот бериш ҳамда тадбиркорларнинг тажрибаларини оммалаштиришда самарали натижаларга эришяпмиз. Ўтган йили йигинимизнинг бўш турган биносидан тикувчилик тармоғини ишга тушириб, шу йўналишда ўқишни битирган қизлардан 3 нафарини иш билан таъминладик. Ҳозир улар замонавий пардалар, аёллар ва эркеклар кийим-кечакларини тикиш билан бирга, ёшларга хунар ўргатишмоқда.

Фаоллар туман давлат солиқ инспекцияси, Республика Савдо-саноат палатасининг туман ахборот-маслаҳат маркази, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ходимлари билан соҳа ривожининг истиқболларига бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этмоқда.

О.Абдуғаниевнинг таъкидлашича, бугун улар кўмагида

38 нафар тадбиркор, 32 нафар хунареманд ва 27 нафар касаначи бизнесини йўлга қўйиб, маҳалладошлари бандлигини таъминламоқда.

Шухрат Ҳайдаров марказ кўмагида банкдан кредит олиб, маҳалла худудида беш оз ўринли тўйхона қурди. Қаровсиз қолган майдон ҳам чаманзорга айланди.

Давлат Рамазонов «Маслахат маркази»га оилавий тадбиркорлигини бошлаш ниятида мурожаат қилганида фаоллар унга учун, аввало, пухта режа, сармоя ва соҳага оид иқтисодий, ҳуқуқий билим кераклигини тушунтиришди. Бўлажак ишбилармон марказда ташкиллаштирилган қиска муддатли курсларга қатнаб, мутахассислар ёрдамида бизнесрежа тузиш, банкдан кредит олиш, давлат рўхатидан ўтиш қонун-қоидаларини ўзлаштирди. Банкнинг имтиёзли кредити эвазига мебель цехи барпо қилиб, 7 нафар маҳалладошини ишга олди.

«Маслахат маркази»да ҳафтанинг душанба ва шанба кунлари фаолиятини кенгайтириш истагидаги тадбиркорлар учун, сешанба ва жума кунлари эса истиқболли лойиҳалар тузиб, уларни амалиётга татбиқ этиш ҳаракатидаги ёшлар учун машғулотлар қуни, деб белгиланган. Айни пайтда Адолат Абдуллаева гўзаллик салони очиш, Санжар Самадов гўшт ва гўшт маҳсулотлари савдо дўкони фаолиятини кенгайтириш, Тоҳир Бозоров худуддаги бўш бинодан қурилиш моллари дўкони сифатида фойдаланиш ҳаракатида. Бахриддин Мама-товнинг мебель ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйишга, Зайнаб Зоированинг тикувчилик тармоғини ташкил қилишига ҳам фаоллар амалий ёрдам кўрсатаётир. Айниқса, «Қўшут» фермер хўжалиги раҳбари Санжар Холиқовнинг аҳолига арзон нархда сўт ва сўт маҳсулотлари етказиб бериш тақлифининг марказ аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиши худуд аҳлини қувонтирди. Корхона иш бошласа, яна бир неча ёшнинг бандлиги таъминланади.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Тадбиркорга ишончли ҳамкор, яқин маслакдош

Сўнгги йилларда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитининг қарор топиши, тадбиркорлик фаолиятининг кенг ривожланиши, пировардида янги иш ўринлари барпо этилишида молия муассасаларининг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётир.

■ Зебинисо ҲАЙИТОВА
«Mahalla»

«Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки йигирма йиллик фаолияти давомида юртимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги тадбиркорларнинг ишончли ҳамкори, маслакдоши сифатида эътиборини қозона олди. Муассасанинг, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг истиқболли лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаши натижасида бугун нафақат шаҳарлар, балки чекка-чекка туманлар, қишлоқларда ҳам хизмат кўрсатиш шохобчалари, савдо тармоқлари, саноат корхоналари ташкил этилиб, барқарор янги иш ўринлари яратилмоқда.

Юртимизда ёшларнинг иқтисодий билимларини мустаҳкамлаш, бизнес-режаларини тузишда кўмаклашиш ва уларни молиявий қўллаб-қувватлаш масаласи «Трастбанк» эътиборидаги муҳим йўналишлардан биридир. Мазкур банкнинг бу борадаги саъй-ҳаракатлари натижадаги давлатимиз раҳбарининг «Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони қўл келаятир. Биргина жорий йилнинг ўтган

СЕМИНАР

Ҳисобчилар ҳисоб-китоб бобида
маҳорат оширишди

Ҳар бир иш эзгу мақсад ва аниқ ҳисоб-китоб асосига қурилса самара келтириши ҳаётда кўп марта ўз тасдиғини топган. Айниқса, фуқаролар йигинларига услубий-амалий кўмак беришдек хайрли ишларга камарбаста «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида ушбу мезонлар асосида аниқ ҳисоб-китоб юритиш мутахассисдан юксак билим ва малакани талаб этади.



■ Толибжон НИЗОМОВ
«Mahalla»

Фарғона шаҳрида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари бўлим ва бўлинмалари бухгалтерлари учун «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тизимида бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи юритилишини такомиллаштириш, муаммолар ечими» мавзусида икки кунлик ўқув-семинар ташкил этилди.

Семинарда адлия, солиқ, статистика қўмиталари масъул ходимлари, ҳуқуқшунослар, Фонд мутасаддилари иштирок этди.

— Фонд маблағларини тегишли қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида аниқ ва мақсадли сарфлаш бош ҳисобчилар зиммасидаги залворли вазибалардан, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси ўринбосари Дилшод Усмонов. — Бугунги семинардан кўзланган мақсад бош ҳисобчиларнинг ўз ишига масъулиятини, жавобгарлик ҳиссини ҳамда касбий малакасини янада оширишдан иборат.

Ўқувда бош ҳисобчиларга Фонд бўлим ва бўлинмаларининг Низоми мазмун-моҳияти ҳамда ундаги бухгалтерлар фаолияти билан боғлиқ бандлар атрофила таништирилди.

— Бош ҳисобчиларнинг ҳуқуқий билимини ошириш Фонд тизимида бухгалтерия билан боғлиқ турли камчиликларга барҳам беради, — дейди Фонднинг республика бошқаруви бош бухгалтери Жамшид Жалилов. — «Жамоат фондлари тўғрисида»ги қонуннинг 25-моддаси ҳамда Фонд бўлим ва бўлинмалари тўғрисидаги Низомга асосан, бўлим ва бўлинмаларнинг мол-мулки алоҳида балансда ва Фонд балансида ҳисобга олиниши белгиланган. Шу боис фойдаланувчиларни аниқ, тушунарли ва тезкор бухгалтерия маълумотлари билан таъминлаш учун тизимда бухгалтерия ҳисоби регистрлари ва ҳисоботлар ҳамда ўтказмаларни бир хил кўринишга келтириш талаб этилади.

Бухгалтерлар Фонд мутасаддилари билан бирга, аҳоли мурожаатлари асосида кам таъминланган оилаларга моддий, маънавий кўмак беради. Шунингдек, турли маърифий тадбирлар ўтказишга, фуқаролар йигинларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларга маблағ ажратади. Бундай хайрли, қолаверса, масъулиятли ишни бажа-

ришда ҳисобчилардан ҳуқуқий билим талаб этилади.

— Семинарда Фонднинг турли йўналишлардаги молиявий харажатлар тақсимида белгиланган вазибаларнинг ижро этилишида бош ҳисобчиларнинг масъулиги ва мажбуриятлари тушунтирилди, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бошқаруви бош бухгалтери Соҳиба Отамирзаева. — Шунингдек, Фонд бўлим ва бўлинмалари томонидан ижтимоий соҳа объектларига беғараз ёрдам кўрсатиш, тизимда адлия ҳисоботларини расмийлаштириш, молия ҳамда бухгалтерия ҳисоботларини юритиш тартиби, маъмурий харажатлар таркиби, умумхалқ хайрия ҳашаридан тушадиган маблағлар тақсими бўйича зарур маълумотларга эга бўлди.

Айтиш жоизки, семинар давомида вилоятлардан келган бош ҳисобчилар илгор тажрибаларини ўртоқлашишди, эркин мулоқот тарзида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг ўзига хос жиҳатларини муҳокама қилишди.

— Тадбирда ҳуқуқий билимимизни ошириш билан бир қаторда ҳамкасблар ўртасида ўзаро ахборот алмашувини йўлга қўйишга ҳам келишиб олдик, — дейди «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Фарғона вилояти Бағдод тумани бўлинмаси катта ҳисобчиси Элёр Исмаилов. — Машғулотнинг интерфаол усулда ўтгани янада қизиқarli бўлди. Шу боис бухгалтерлар қизгин баҳс-мунозарга тез киришиб, фикр-мулоҳазаларини эркин баён этишди. Қолаверса, Фонд тизимида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг барча ҳуқуқий асосларини, шунингдек, Фонд мулкни ва товар-моддий бойликлари ҳисобини юритиш ҳамда инвентаризациядан ўтказиш тартибини билиб олдим.

Семинарда Фонд бўлим ва бўлинмаларида ижро интизоми, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда «Фуқаролар мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талабларига, фуқаролар йигинлари томонидан ижтимоий нафақалар, моддий ёрдамларни тайинлаш тартиб-қоидаларига амал қилиш каби масалалар мутахассислар томонидан иштирокчиларга батафсил тушунтирилди. Шунингдек, Фонд мулкни асраб-авайлашда, товар-моддий бойликлари рўйхатдан ўтказишда бош ҳисобчилар назорати зарурлиги таъкидланди.

Қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоб тарзида ўтган ўқувда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди тузилмалари томонидан молиявий маблағлардан фойдаланишдаги айрим камчиликлар ҳам муҳокама этилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди.



нафар йигит-қиз доимий иш билан банд. «Трастбанк»нинг биз, аёл тадбиркорларга кўрсатаётган молиявий мадади оиламиз бюджетини ошириш, янги иш ўринларини яратиш, қолаверса, худудлар иқтисодиётини юксалтиришга асос бўлаятир. Келажакда янгидан-янги истиқболли лойиҳаларимизни ҳаётга татбиқ этишда ҳамкоримиз — «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки ёрдамига таянамиз.

Шухрат НУРМАТОВ, Шаҳрихон туманидаги «Kabel market» хусусий коҳонаси директори:
— Корхонамиз сув остидан электр, телефон, радио тармоқларини ўтказишда ишлатиладиган герметик химояланган сим ўрамлари ишлаб чиқаришга иxtисослашган. Яқинда хомашё ва ишлаб чиқариш учун зарур ускуналар харидаи ва айланма маблағларимизни ошириш мақсадида «Трастбанк»нинг Андижон вилояти филиалидан кредит олдик. Натижада фаолиятимиз янада кенгайди, режаларимиз ортиги билан баҳарилмоқда. Истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишда банк билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдоримиз.

Садокат АМИНЖОНОВА, «Laylo Sof Savdo» масъулияти чекланган жамияти раҳбари:
— Юртбошимиз раҳнамолигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор туфайли фаолиятимиз тобора кенгаймоқда. Корхонамиз халқ истеъмоли моллари — озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари, қурилиш ашёларини улгуржи ва чакана савдо орқали етказиб бериш билан шуғулланади. Айланма маблағларимизни ошириш мақсадида «Трастбанк»нинг Наманган вилояти филиалидан имтиёзли кредит олдик. Ҳозир корхонамизда 20

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Таннарх ва таъминотда
барқарорлик бўлади

Мамлакатимизда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича ўзига хос тажриба тўпланган. Бу борада маҳалла фуқаролар йигинларининг алоҳида ўрни бор.

■ Садокат
МАХСУМОВА
«Mahalla»

Айни пайтда Тошкент вилояти Бекобод шаҳри «Ўзбекистон» маҳалласида мавсумга алоҳида тайёргарлик қўрилган. Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари захирасини шакллантириш мақсадида маҳаллалар томонидан жамоатчилик назорати ўрнатилган. Бунинг самараси ўлароқ, ҳозирда маҳаллада картошка, пиёз, сабзи, қарам, гуруч ва дуккакли донларни махсус омборларга тўплаш ишлари жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

— Қиш мавсуми учун сабзавот ва полиз маҳсулотларини захирасини шакллантириш ҳамда нарх-навоининг асоссиз ошиши олдини олишга эътибор қаратяпмиз, — дейди йигин қошидаги Жамоатчилик назорати ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича комиссия аъзоси Тоҳир Жаббаров. — Шу билан бирга 7 турдаги маҳсулотлар савдосини йўлга қўйганмиз. Бу борада фермерлар билан ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Худуд-

даги фермер хўжаликлари ҳар бир маҳсулотни улгуржи нархларда етказиб берапти.

Фуқароларга қулайлик яратиш мақсадида автомашиналар орқали кўча савдо ташкил этиляпти. Бу эса, ўз навбатида, мазкур маҳсулотлар нархларининг сунъий равишда кўтарилишининг олдини олади, қолаверса, ортиқча овозарагарчиликларга ҳам чек қўяди. Айниқса, аҳоли манфаатини ҳимоялаш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг белгиланган нархлари жорий этилгани фуқароларга манзур бўляпти.

Шунингдек, фуқаролар йигини қиш мавсумида аҳолининг хариди учун қулай шароит яратиш мақсадида бозордаги бўш биноларда тадбиркорлар томонидан нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Уларнинг ён-ҳавфсизлигига, савдо қоидаларига, ободонлаштириш ишларига риоя этилиши назоратга олинган.

Хуллас, қиш мавсумини қийинчиликларсиз ўтказиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бериши аниқ.

ФОНД КЎМАГИДА

Муносиб шароит
муваффақиятга ундайди

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Қорақалпоғистон Республикаси бўлими бошқаруви ва бўлинмалари томонидан фуқаролар йигинларига услубий-амалий кўмак бериш асосида маҳаллаларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланмоқда.

■ Омйраб ЕСБЕРГЕНОВ
«Mahalla»

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида республика бўйича 52 та фуқаролар йигинига замонавий компьютер, 84 тасига принтер, 2 тасига нусха кўчириш ускунаси олиб берилди.

— Фуқаролар йигинларининг замонавий компьютер жамланмалари ва мебель жиҳозлари билан таъминланиши меҳнат унумдорлигини оширмоқда, — дейди Фонднинг Хўжайли тумани бўлинмаси раиси Алмамбергенов Пазиллов. — Тумандаги 28 та маҳаллага компьютер жамланмаси ва мебель жиҳозлари ажратилди. Шу билан бирга, чегара худудида жойлашган Кенегес, Амударё, Сарайқўл, Саришунгил ҳамда Найманқул, Амударё, Сувчи овул фуқаролар йигинларининг моддий-

техник базаси мустаҳкамланди. Фуқаролар йигинлари Юртбошимиз асарлари, турли йўналишдаги адабиёт ва қўлланмалар билан ҳам таъминланаётир. Айниқса, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси», «Маҳаллада ғоявий тарғибот», «Мустаҳкам оила — маҳалла таянчи», «Оилавий бюджет», «Тўйларимиз маърифати» каби рисоалар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ёшлар тарбияси ва уларнинг ҳуқуқий билимларини юксалтиришга хизмат қилаётир.

Соғлом бола йилида маҳаллаларга турли йўналишдаги 150 дан зиёд адабиёт ва қўлланма тарқатилди. Одам савдоси ҳамда гиёҳандликнинг олдини олишга қаратилган плакатлар, буклетлар йигинларда ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида қўл келмоқда.

ҚУЛАЙЛИК

Қишда иссиқ, ёзда салқин



Пойтахтлик тадбиркор Қаҳрамон Жўраев яқинда хайрли ишга қўл урди.

Дилдора ТОЛИПОВА, ЎзДЖТУ халқроқ журналистика факультети талабаси.

У Шайхонтоҳур туманидаги «Хувайдо» маҳалласи Беруний

Камолотда ҳеч кимдан кам бўлмаган ёшлар

Давлат ва жамият ҳаётида таълим-тарбиянинг аҳамия-ти гоята муҳим. Конституциямизнинг 41-моддасида ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эгалиги, бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланиши, мактаб ишлари давлат назоратида экани мустаҳкамлаб қўйилган. Бу меъёр-лар «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам ўз ифодасини топган.

■ **Сотиболди БОБОҚУЛОВ, юридик фанлари доктори, профессор.**

Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Кадр-лар тайёрлаш миллий дасту-рининг мақсади — таълим со-ҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафку-равий қарашлардан тўла халос этиш, ривожланган демокра-тик давлатлар даражасида юк-сак маънавий ва ахлоқий та-лабларга жавоб берадиган юқо-ри малакали кадрлар тайёр-лашнинг Миллий тизимини яра-тишдир.

Мамлакатимизда 9+3 схема-си бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизи-ми жорий этилган. Умумтаълим мактабларидаги 9 йиллик таъ-лимдан сўнг ўқувчилар кейин-ги 3 йил давомида ихтисос-лаштирилган касб-хунар кол-лежлари ва академик лицей-ларда таҳсил олиб, улар меҳ-нат бозорида талаб қилинади-ган 3-4 та мутахассислик бўйи-ча касб-хунар эгалламोқда.

Таълим соҳасида амалга оширилган ислохотлар бугун ўз самарасини бераётир. Бирги-на мисол. Ўтган йили май ойи-да 47-халқро Менделеев олим-пиадасида юртимиз ёшлари 2 та олтин, 5 та қумуш ва 8 та бронза медални кўлга киритди. Жорий йилда Вьетнамда ўт-ган кимё фани бўйича жаҳон олимпиадасида дунёнинг 75 давлатидан 300 нафар билим-дон ёшлар иштирок этди. Юрти-миз жамоаси 1 та олтин, 2 та бронза медалга сазовор бўлди. Бундан ташқари, қатор давлат-ларда ташкил этилган 394 та халқро тадбирда 4513 нафар фарзандимиз дунёда ҳеч ким-дан кам эмаслигини исботлаш-ди. Улар ўттизга яқин спорт ту-ри бўйича ўз маҳоратларини на-мойиш этиб, 476 та олтин, 409 та қумуш ва 474 та бронза ме-дали шодаси билан қайтишди.

Ўзбекистонда таълим соҳа-сини ривожлантириш ва ислоҳ этишга йўналтирилаётган йил-лик харажатлар ялли ички маҳ-сулотнинг 10-12 фоизини таш-кил этаётгани ва бу тизимнинг давлат бюджети харажатлари-даги улуши 35 фоиздан зиёд экани мазкур соҳага қарати-лаётган улкан эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 13-14 ноябрдаги ўн олтинчи ялли мажлисида мам-лакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилиш асо-носида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини қўпайтириш тамойили сақланиб қолаятгани қайд этилди.

Давлат бюджетининг ижти-моий харажатлари жорий йил-дан ташкил этилган тадбирда айнан шундай замондошларимизга ба-ғишланган учта ҳужжатли филь-минг премьералди намойиши бў-либ ўтди. «Ўзбекино» Миллий агентлиги буюртмасига биноан Ил-мий-оммабо ва ҳужжатли фильм-лар киностудиясида суратга олин-ган мазкур фильмларни яратиш «Соғлом бола йили» Давлат дас-

дагига нисбатан келгуси йил-да 1,2 бараварга кўпаяди. Хусу-сан, мамлакат олий ўқув юрт-лари, умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва ака-демик лицейлари ўқув- лабора-торияларини, шунингдек, тиб-биёт муассасаларини қуришни, реконструкция қилиш, мукам-мал таъмирлаш ва жиҳозлаш-ни молиялаштиришга катта миқдорда маблаг йўналтири-лади.

Президентимизнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тил-ларни ўрганиш тизимини яна-ра такомиллаштириш чора-тад-бирлари тўғрисида»ги қарори юртимизда хорижий тилларни ўрганишни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди. Бугун ўқувчилар чет давлатлардаги тенгдошлари билан мулоқотга киришиб, дунёда рўй бераёт-ган воқеа-ҳодисалар, янгилик ва ўзгаришлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш са-лоҳиятига эга.

Шу ўринда мамлакатимизда таълим соҳасида жаҳондаги об-рўли олий ўқув юртлар билан ҳамкорчилик дунё таълим стан-дартларига жавоб берадиган олий таълим муассасалари — Вестминстер, Турин политехни-ка, Москва давлат, Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт, Губкин номидаги Россия нефть ва газ ҳамда Инха универси-тетлари, Сингапур менежмент-ни ривожлантириш институти филиаллари ташкил этилгани-ни таъкидлаш жоиз.

Юртимизда ёшларнинг на-фақат интеллектуал салоҳияти-ни юксалтириш, балки уларни жисмонан соғлом бўлиб улга-йишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда уч босқичли спорт муСОБАқалари — «Умид нирҳолари», «Барка-мол авлод», Универсиада ўйин-лари анъанавий тўс олди.

Мамлакатимизда таълим со-ҳасида босқичма-босқич амал-га оширилаётган ислохотларга 2012 йил 16-17 февралда пой-тахтимизда ўтказилган «Юксак билимли ва интеллектуал ри-вожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тарақ-сулотнинг 10-12 фоизини таш-кил этаётгани ва бу тизимнинг давлат бюджети харажатлари-даги улуши 35 фоиздан зиёд экани мазкур соҳага қарати-лаётган улкан эътиборнинг амалдаги ифодасидир.

Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 13-14 ноябрдаги ўн олтинчи ялли мажлисида мам-лакатимизнинг бош молиявий ҳужжатини муҳокама қилиш асо-носида сенаторлар томонидан ижтимоий соҳа харажатларини қўпайтириш тамойили сақланиб қолаятгани қайд этилди.

Давлат бюджетининг ижти-моий харажатлари жорий йил-

«Болажон» болажонлар билимини бойитади

«Оила — маҳалла — таълим муассасаси» ҳамкорлиги фарзанд тар-биясида, унинг камолотида бекиёс аҳамият касб этади. Ушбу уч бўғин-нинг ҳамжиҳатлиги, мустаҳкамлиги мактаб ёшига етмаган болажонлар-нинг ақлий ва жисмоний ривожланишида жуда қўл келади.



■ **Сурайё ШАРОФИДДИНОВА, Олмазор тумани 269-сонли мактабгача таълим муассасаси раҳбари.**

«Соғлом бола йили» Давлат дас-тури доирасида «Болажон» таянч дас-тури асосида китоблар чоп этиш кўзда тутилган. 5 турдаги қўлланмалар, асо-сан, фарзандлари мактабгача таълим муассасасига қамраб олинмаган ота-оналарнинг бола парваришига оид билимини бойитишга кўмаклашади.

Таъкидлаш жоизки, «Таълим тўғриси-да»ги қонуннинг 11-моддасида мактаб-гача таълимнинг оилада, болалар боғча-сида ва мулк шаклидан қатъи назар, бошқа таълим муассасаларида олиб борилиши қайд этилган. Республика-мизда болаларга мактабгача таълим бе-

ришда мавжуд имкониятлардан фой-даланиш бўйича комплекс чора-тад-бирлар ишлаб чиқилган. Бунда оилада болалар боғчасида тарбияланган болалар бир хил тайёргарлик билан мактабга келишлари кўзда тутилди.

Болаларни оила шароитида ҳар то-монлама интеллектуал, ахлоқий, эс-тетик ва жисмоний ривожлантиришга кўмаклашиш, ота-оналарга услубий-амалий ёрдам кўрсатиш маҳалла фаолларидан катта масъулият талаб этади. Пойтахтимизнинг Олмазор ту-мани «Тахтапул» маҳалласида бу бо-рада ўзига хос тизим яратилган. Яқин-да маҳалла фаоллари иштирокида тадбир ташкил этилиб, боғчага қам-раб олинмаган болаларга рангли расм-лар, ҳикмату сабоқларга бой ушбу беш хил китоб тақдим этилди.

Худуддаги 269-сонли «Камол авлод» мактабгача таълим муассасаси мутахас-

сислари китобчалар билан ишлаш йў-риқлари, оила шароитида суҳбат ва топ-шириқларни баҳариш шартлари ҳақида ота-оналарга тушунча беришди.

Тадбирда йигин раиси Абдурахим Тошпўлатов бошчилигида оилада ва мактабгача таълим муассасасида тар-бияланаётган болалар билан айрим синов машқлари ўтказилди. Жумла-дан, турли оила фарзандлари, ёш жи-ҳатдан тенг Мадина ва Беҳруз 1 дан 10 гача санай олса-да, давлат таъ-лим стандарти талабларига кўра, шу ёшдаги болалар билиши лозим бўлган «кўшни сонлар»(масалан, 5 нинг кўшни сонлари: 4 ва 6)ни айтиб беришол-мади. Жажжи ўғил-қизлар билан пси-холог ва дефектологнинг суҳбати асо-носида боғчага қатнамаётган аксарият болажонлар «с», «з», «р» ҳамда «ш» товушларини тўғри талаффуз эта ол-маслиги аниқланди. Мутахассислар ота-оналарга бу болалар билан мун-тазам машғулотлар олиб бориш ло-зимлигини тушунтиришди. Қолаверса, бундай болаларни боғчада тарбиялаш тавсия этилади.

Ҳар бир бола ўзига хос феъл-ат-ворга, қобилиятга эга. Тадбир даво-мида ўғил-қизларнинг мусиқа ва рақс санъатига мойиллиги ҳам намоён бўл-ди. Тасвирий санъатга қизиқиши, уқуви бор болажонларга алоҳида ижодий топшириқлар берилди.

«Оила — маҳалла — таълим муас-сасаси» ҳамкорлигида ўтган ушбу тад-бирда болаларда китобга меҳр уйғо-тиш хусусида ҳам сўз борди. Ўқилган китобчалар бўйича улар билан савол-жавоблар ўтказиш, чизган расмлари-дан кичик кўргазма ташкил этишга ке-лишиб олинди.

Бундай ҳамкорлик бола камолоти-да муҳим аҳамият касб этади. Ёш ав-лод ва катталар ўртасида хурматга асосланган муносабатни мустаҳкам-лайди. Мухими, боланинг пухта би-лим олиши, қизиқиши ва қобилияти-ни тарбиялашда қўл келади.



Аёл ишли, рўзғор даромадли бўлди

— Илтимос, қизимни ишга жойлаштиришга ёрдам беринг. Уч боласи билан қийналиб қолгани боис хо-рижга кетмоқчи. Ахир, норасидалар отасидан аж-ралгани етмагандек, она меҳридан ҳам бебаҳра қол-масин...

■ **Холбиби САФАРОВА «Mahalla»**

Ҳузурига келган аёلнинг сўзларини тингларкан, маҳал-ла раиси Дониёр Эргашев унинг муурожаати жавобсиз қолмаслиги, ҳам аёлбатта, ёрдам беришини ваъда қилди. Аёл-ни қузатгач, дарҳол фуқаролар йигинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳат-чиси Марзия Пўлатова. — Маз-кур комиссияга ҳудудимизда-ги «Шўркўл» қишлоқ врачлик пункти шифокори Юлдуз Ай-дарова раислик қилаётгани оналик ва болаликни ҳимоя-лашда қўл келмоқда.

Маҳалланинг энг обрўли, иш-билармон ва кишилар кўнглига йўл топа оладиган аёлларидан иборат комиссияси айни пайт-да хотин-қизларни турли ёт го-я-лашга йўл қўймаймиз.

Юлдуз опа ўша кунёқ, «Шаҳ-риёр — Шаҳрибону» фермер хўжалигига бориб, Нурсулув момонинг қизи Айнурни ишга жойлаштирди. Маълум бўли-шина, турмуш ўртоғи вафот эт-ган аёл, гарчи отасининг уйи-да яшаётган бўлса-да, фар-зандлари билан ҳамон кўшни туманда, келин бўлиб тушган манзилида доимий рўйхатда экан.

— Қайнотамнинг ҳовлисида турмуш ўртоғим билан уй қур-гандик. Ҳовлида яна икки ов-синим оиласи билан яшайди, эрим вафот этгач, отамникига келдим, — деди аёл. — Улар биз қўрган уйнинг ёғоч-тахта, дераза-эшикларни олиб кети-шим мумкинлигини айтишди. Бирок йўл узоклиги анча-мун-ча харажатни талаб қилади...

АйнуARNING бу гапларидан сўнг маҳалла фаоллари Навба-ҳор туманига, у келин бўлиб тушган қишлоққа йўл олишди. Аввалига маҳалла идорасига киришиб, ҳамкасблари билан фикрлашишди, аёл яшаган уйга бирга боришди. Хонадон эгалари келишиб-кенгашиб, жигарларидан қолган «тирноқ-лар» учун Қонимехда, қудала-рининг ҳовлисида ўз ҳисобла-ридан уй-joy қуриб беради-ган бўлишди. Ҳамжиҳатлик би-лан тез орада уч хонали уй қу-риб битказилди. Айни пайт-да фермер хўжалигида иш-лаётган аёл янги уйда бола-лари билан истиқомат қияп-ти. Маҳалла ёрдами билан фарзандларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини ҳам олиб турибди.

— Худудимиз аёлларининг

Ҳушёрлик ва масъулият — хавфсизлик кафолати

Мамлакатимизда анъанавий тарзда ўтказиб келинаёт-ган ёнғин хавфсизлиги ойлиги ёнғинлар сонини кескин камайитириш, инсонларнинг жабрланиши, мол-мулкига та-лафот етишининг олдини олиш ва аҳолининг бу борадаги масъулиятини янада оширишда қўл келаётир.

■ **Баховиддин МИРЗАТИЛЛАЕВ, Тошкент шаҳар 12-ҲЕХО инспектори.**

Ойликни намунали ташкил этиш ва жойларда белгиланган режа асосида тарғибот тадбир-ларини ўтказишда Тошкент ша-ҳар 12-ҳарбийлаштирилган ён-ғин хавфсизлиги отряди фаол иштирок этмоқда.

Отряд ҳодимлари томони-дан аҳоли тураржойлари, ма-ҳаллалар, таълим ҳамда тиб-биёт муассасалари, ҳалқ хў-жалиги иншоотларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган учрашувлар, суҳ-батлар уюштириляётир. Тад-бирларда аҳолига хавфсизлик қоидаларига рияя қилиш, ай-ни киш мавсумида носоз, но-қонуний иситиш мосламала-

хуқуқ ва эркинликлари, қону-ний манфаатларини ҳимоялаш, барқарор маънавий муҳитни таъминлаш ва ёшлар тарбия-си масалаларида Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комис-сиянинг ёрдамига таянамиз, — дейди Комиссияси айни пайт-да хотин-қизларни турли ёт го-я-лашга йўл қўймаймиз. Маълум бўли-шина, турмуш ўртоғи вафот эт-ган аёл, гарчи отасининг уйи-да яшаётган бўлса-да, фар-зандлари билан ҳамон кўшни туманда, келин бўлиб тушган манзилида доимий рўйхатда экан.

— Қайнотамнинг ҳовлисида турмуш ўртоғим билан уй қур-гандик. Ҳовлида яна икки ов-синим оиласи билан яшайди, эрим вафот этгач, отамникига келдим, — деди аёл. — Улар биз қўрган уйнинг ёғоч-тахта, дераза-эшикларни олиб кети-шим мумкинлигини айтишди. Бирок йўл узоклиги анча-мун-ча харажатни талаб қилади...

АйнуARNING бу гапларидан сўнг маҳалла фаоллари Навба-ҳор туманига, у келин бўлиб тушган қишлоққа йўл олишди. Аввалига маҳалла идорасига киришиб, ҳамкасблари билан фикрлашишди, аёл яшаган уйга бирга боришди. Хонадон эгалари келишиб-кенгашиб, жигарларидан қолган «тирноқ-лар» учун Қонимехда, қудала-рининг ҳовлисида ўз ҳисобла-ридан уй-joy қуриб беради-ган бўлишди. Ҳамжиҳатлик би-лан тез орада уч хонали уй қу-риб битказилди. Айни пайт-да фермер хўжалигида иш-лаётган аёл янги уйда бола-лари билан истиқомат қияп-ти. Маҳалла ёрдами билан фарзандларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини ҳам олиб турибди.

Дарҳақиқат, жорий йилда Хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиясининг амалий ёрдами билан 11 нафар аёл ишга жойлаштирилди, 2 нафа-рига ўз бизнесини ривожлан-тириши учун банк кредити, 1 нафарига кредит шартномаси асосида тикув машинаси олиб берилди.

«Тўққизтепа» маҳалласи ту-ман марказидан анча олисда жойлашган. Худуддаги хона-донларнинг аксарияти суюқ-лар» учун Қонимехда, қудала-рининг ҳовлисида ўз ҳисобла-ридан уй-joy қуриб беради-ган бўлишди. Ҳамжиҳатлик би-лан тез орада уч хонали уй қу-риб битказилди. Айни пайт-да фермер хўжалигида иш-лаётган аёл янги уйда бола-лари билан истиқомат қияп-ти. Маҳалла ёрдами билан фарзандларига боқувчисини йўқотганлик нафақасини ҳам олиб турибди.

— Худудимиз аёлларининг

ларини, айниқса, пойтахтимизда қад ростлаган «Ҳазрати Имом» мажмуаси, Ўзбекистон Халқро ан-жумалар саройи сингари объект-лардаги бунёдкорликларни, ку-рувчиларнинг фидокорона меҳна-ти жараёнини 5000 дан зиёд фо-токадрга муҳрлаб, келажақ авлод-га муносиб туҳфа ҳозирлаган. Фильмда фотографнинг машаққат-ли меҳнати орқали яратаётган санъат асарлари бор жозибаси би-лан акс эттирилган.

— Фотограф ўқув ва билимли бўлиш баробарида жараёнини те-ран ҳис қила билиши керак, — дей-ди Абдулгани Жума. — Унинг ма-ҳорати кўп жиҳатдан муайян ҳолат-ни оний лаҳзада илғаш ва тасви-р-га тушира олишда. Шундагина у фотографияни тасвирий фотогра-

фия санъатига айлантира олади.

Забаржад Бобохонова сцена-рийси асосида суратга олинган «Чемпион оилалар» ҳужжатли фильми Соғлом бола йили муно-сабати билан мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънан етук ёш авлодни тарбиялаб вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг натижаларини кўрсатиш мақсадида яратилган.

Мазкур фильм бугун бутун дунё-да спорт, санъат ва фан сифатида қадрланаётган шахматнинг нафа-қат болалар, катталар, балки жа-рмиат ҳаётида тутган ўрни ҳақида-дир. Шахмат ўйновчи болалар мақ-сад сари интилувчанлик, ўз ишига танқидий назар билан қарай олиш, мустақил фикрлаш, бошлаган иши-ни охирига етказиш ҳамда мағлу-

биятдан эсанкираб қолмаслик каби руҳий кўникмалар доирасида чи-ниқишади. Фильмда чемпион оила-лар тақдирӣ шахмат бўйича бир неча бор жаҳон ва Осиё чемпио-нлари бўлган Синдоровлар ва Аб-дусатторовлар оилалари мисоли-да очиб берилган.

Феруза Тўрахўжаева сценарий-си асосида яратилган «Қўшиққа ай-ланган умр» ҳужжатли фильми Ўзбекистон халқ ҳофиси Маъмур-жон Узоқов таваллудининг 110 йил-лиги муносабати билан суратга олинган. Унда ҳофизнинг ҳаёти ва ижоди, ўзбек санъатига қўшган ул-кан ҳиссаси акс этирилган.

Фильмлар намоийшидан сўнг ижодкорлар оммавий ахборот во-ситалари вакилларини қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

